

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ

Сафарова Дилбар Бахрилла қизи

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.12732174>

Республикада вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига қарши курашиш, профилактик таъсирчораларини амалга ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қатор мақсадли чоратадбирлар: вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш; уларга нисбатан тайинладиган жиноий жазоларни янада либераллаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид кенг қўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид давлат дастури¹ бўйича Тараққиёт стратегиясидаги вазифаларни бажариш мақсадида вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганиш ва унинг олдини олишнинг тадқиқ этилиши кераклиги ушбу мавзунини ўрганиш зарурати мавжудлигидан далолат беради,

Бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга қарамасдан, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сезиларли даражада камаймасдан қолмоқда.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина одам савдоси бўйича ҳар йили дунё миқёсида 3 миллиондан ортиқ киши жабрланувчига айланмоқда. Ушбу жиноятдан жабрланганларнинг 72%ни аёллар ва ёш қизлар ташкил этмоқда. Шу боис ҳам сўнги йилларда мамлакатимизда шахсни турли тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида виктимологик профилактиканинг самарадорлигини оширишга, уни ташкил этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, айниқса, замонавий ахборот технологиялари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони // электрон манба: <http://old.lex.uz/docs/5841063>, мурожаат вақти: 20.05.2024.

имконият-ларидан кенгроқ фойдаланиш, шунингдек давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ҳамда фуқаролар фаоллигини оширишга, қолаверса аҳоли ўртасида ўзларини жинойӣ тажовузлардан ҳимоя қилиш усул ва шаклларини кенг тарғиб қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Вояга етмаганлар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасини назарий таъминлаш, энг аввало, жиноят содир этилиш сабаб ва шароитлар занжирида жабрланувчининг тутган ўрнини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали амалга оширилади. Криминология

ва виқтимологияга оид адабиётларда вояга етмаган шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атвори, ҳаёт тарзи, атрофдагиларга бўлган салбий муносабатлари муайян бир вазиятда ҳуқуқбузарлик содир этилишини тақозо этувчи криминоген омил сифатида, бошқа бир ҳолатда эса ҳуқуқбузарликдан жабрланишини тақозо этувчи виқтимоген омиллар бўлиб ҳар қандай жойдаги криминоген вазиятга тўғридан-тўғри таъсир этади.

Шу боис, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар виқтимологик профилактикасини назарий таъминлаш, биринчи навбатда, жамият ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида мавжуд бўлган криминоген омиллар қатори виқтимоген омилларни ўрганишни тақозо этади.

Жамиятда ҳар қандай шахснинг, шу жумладан вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар содир этишини тақозо этувчи криминоген хусусиятларга эга бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар мавжудлиги каби ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимолини вужудга келтирувчи ва жабрланишини тақозо этувчи виқтимоген хусусиятли субъектив (инсон хулқ-атворида намоён бўладиган) ва объектив (виқтимликни шакллантирувчи муҳит билан боғлиқ) омиллар ҳам борлиги тадқиқотларда илмий таҳлил қилинган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тадқиқотларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари занжирида жабрланувчи шахсига ва ҳаёт тарзига хос индивидуал виқтим (ёшга доир) хусусиятлар ўрни юқорилигини инобатга олган ҳолда мазкур хислатларга хос бўлган тоифадаги шахслар билан виқтимологик профилактик ишларни мунтазам амалга ошириб бориш зарурлигини кузатиш мумкин.

Шунингдек, субъектив ва объектив омиллар бир-бирини тақозо этувчи, кучайтирувчи хусусиятга эга бўлиши билан бир қаторда, улар жамиятдаги барча, айниқса криминоген хусусиятга эга бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан сабабий ва корреляцион боғлиқликда эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Юқоридагиларга асосланиб, содир этилган жиноятларнинг криминологик ва криминалистик жиҳатларини ўрганиш, бизга вояга етмаган жабрланувчилардаги жиноят содир этилишига туртки берувчи омилларни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот жараёнида ўтказилган анкета сўрови натижаларига кўра жиноятларнинг содир этилишида вояга етмаган жабрланувчиларларга туртки берувчи хулқ-атвори ўрганилганда жабрланишни юзага келтирувчи омил сифатида: а) *қасддан одам ўлдиришда* жисмоний ожизлиги (12 фоиз), кўрқоқлиги (1 фоиз), ахлоқсизлиги (23 фоиз), ҳуқуқбузар билан ўзаро салбий муносабатларнинг мавжудлиги (10 фоиз), давомий зўравонлиги (11 фоиз); *ўғриликда* жабрланувчиларнинг мулкни очиқ қолдиришга одатланганлиги (22 фоиз), хонадонларнинг кўриқлаш пультага улаш бўйича тавсияларга амал қилмаслиги (27 фоиз), транспорт воситасини қаровсиз қолдиришга одатланганлиги (29 фоиз), мол-мулкни ва бойликларини кўз-кўз қилишни ёқтириши (16 фоиз), бепарволиги (5 фоиз); д) *номусга тегишда* жабрланувчиларнинг ожизлиги (42 фоиз), ахлоқсизлиги (30 фоиз), ишонувчанлиги (13 фоиз), соддалиги (15 фоиз); е) *қасддан тан жароҳати етказишда* жабрланувчилар хулқ-атворидаги турмушидан нолиши (15 фоиз), тарбиядаги камчиликлар (40 фоиз), ҳуқуқбузар билан ўзаро муносабатларининг носамимийлиги (19 фоиз), шаъни ва қадр-қимматининг камситилиши (10 фоиз), оилавий маиший низолаарга сабабчи бўлганлиги (45 фоиз) қайд этилган.

Ўғирликлар содир этилиши сабаб ва шароитлари занжирида ҳам виқтим омилларнинг юқори эканлигини судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари бўйича материаллар таҳлилларида ҳам кўришимиз мумкин.

2021 йил давомида Қашқадарё вилоятида ўғирлик жиноятларининг содир этилишига туртки берган омиллар ўрганилганда жабрланувчиларнинг 70,5 фоизи бепарволик, 10,8 фоизи кўриқлаш товуш чиқарувчи воситалари имкониятларидан фойдаланмаслик, 9,9 фоизи узоқ муддат хонадонини назоратсиз қолдирганлиги, 8,8 фоизи калитлар

ҳисобини юритмаслик ёки уни бошқа шахсларга ишониб топширганлиги аниқланган. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри шахсга нисбатан содир этилган жиноий тажовузлар ўрганилганида фақатгина 12 фоиз жабрланувчилар ўзларини ҳимоя қилишга қатъий турган бўлса, қолган 88 фоизи эса пассив ҳаракат қилганлиги кузатилган. Бундай ҳолатларда жиноят содир этган шахслар жабрланувчиларнинг кейинги хатти-ҳаракатларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келишган.

Ўтказилган анкета сўровида иштирок этганларнинг ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлиги ҳақида зудлик билан тегишли органга хабар бермаганлигининг сабаби сўралганда респондентларнинг 11,9 фоизи ҳар доим жиноятчи томонидан тазйиқ ўтказилиб келинганлиги,

4,6 фоизи кўпроқ ўзи қўрққанлиги, 13 фоизи бирон жойга мурожаат қилган тақдирда улдириш билан пўписа қилинганлиги келтирилган.

Тадқиқотларда маиший-турмуш соҳасида, айниқса, оилада вояга етмаганнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар содир этилишида виктим омилларнинг таъсири юқори эканлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жамиятда вояга етмаганларнинг виктимлашувини шакллантирувчи ва уни янада жонлантирувчи турли хил муаммоларни чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилган ҳолда бу каби шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланишни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолияти олдида турган асосий вазифалардан бири десак муболаға бўлмайди. Уларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни ижобий ҳал этиш ички ишлар органлари томонидан айнан вояга етмаганлар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси самарадорлигига боғлиқ.

